

THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - EARLY XX CENTURY COVERAGE OF FORESTRY ACTIVITIES IN SAMARKAND REGION IN ARCHIVAL DOCUMENTS

Jonibek Butaev

National University of Uzbekistan

Basic doctoral student of the Department of

Source Studies and Archives

E-mail: mr.butayev@mail.ru

Аннотация

Россия империяси томонидан Бухоро амирлиги протекторатга айлантирилиб, Зарафшон водийси бўйлари тортиб олинди ва алоҳида Зарафшон округи маъмурий бирлиги тузилди. Округда асрлар давомида шаклланиб келган иқтисодий тизими ўзгаришларга учради. Мақолада 1868-1917 йилларда Самарқанд вилоятида ўрмон хўжалигининг аҳволи, у билан боғлиқ ислохотлар ва ўзгаришлар ҳамда мазкур хўжалик турининг иқтисодий ҳаётда тутган ўрни архив ҳужжатлари ва татистик маълумотлар асосида тадқиқ этиб чиқилган.

Калит сўзлар: статистика, статистик маълумот, округ, ўрмон, бутазор, тўқайзор, десятина, .

1868 йилда Самарқанд вилояти руслар томонидан истило қилинган ўрмон хўжалиги соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тадбирлар тўғрисида архив ҳужжатлари ва Самарқанд вилояти статистика бўлими ҳисоботларида муҳим маълумотлар ўрин олган. Вилоят статистика бўлими томонидан вилоятдаги ўрмонлар ҳақида ҳам йиллик статистик маълумотлар юритилган. Уларга кўра вилоятдаги ўрмонлар учта турга бўлинган. Булар: тоғ ўрмонлари, тўқойзор ўрмонлари ва дашт (чўл) ўрмонлари [1]. 1890 йилларда ўлканинг учта вилояти (Сирдарё, Самарқанд, Фарғона)даги тоғ ўрмонлари тадқиқ этиб чиқилган. Тўқайзор ва дашт ўрмонлари эса қисман ўрганилган ва улар эгаллаган майдон ҳақидаги маълумотлар тахминий бўлган.

Вилоят ҳудуди тузилишига кўра 3 қисмга бўлинган: 1. Чўлли қисм – Жиззах ва Хўжанд уездларига тўғри келган; 2. Водийли қисм – вилоят умумий майдонинг тўртдан бир қисмини 4/1 эгаллаб, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими (Оқдарё ва Қорадарё) тўғри келган ва рус-бухоро чегарасидаги Хатирчигача давом этган ва 5500 кв. Верстага яқин майдонни эгаллаган. Бу қисмда Самарқанд ва Каттақўрғон уездлари жойлашган бўлиб уларда суғориш тизими яхши ривожланган ҳамда шаҳарлар, бир неча қишлоқлар, ўрмонзорлар, боғлар ва экинзорларни сув билан таъминловчи Зарафшон дарёси ўтган. 3. Тоғли қисм – вилоятнинг шарқий ва жанубий қисмларида жойлашган ва ушбу тоғлар Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларини тўлдирган [2].

Вилоятдаги мавжуд ўрмонлар эгаллаган майдонлар 1887 йилда қуйидагича бўлган: Самарқанд уезида 600000 десятина, Жиззах уезида 70000 десятина ва Хўжанд уезида 32800 десятина бўлиб, вилоят бўйича умумий 702800 десятинани ташкил этган [3]. Кейинчалик вилоятдаги ўрмонлар эгаллаган майдон кенгайиб бориб, 1913 йилда қуйидагича бўлган: тоғли ўрмонлар – 289417 десятина, тўқайзорли ўрмонлар – 53100 десятина, чўлдаги ўрмон бутазорлар – 1500000 десятина. Жами – 1842517 десятина. Бу даврда ўрмонзорларнинг 80 фоиздан кўп қисми чўлли бутазорларга тўғри келган [4]. Ўрмонзорлар 1887 йилга нисбатан 1913 йилга келиб икки баробардан ортганлигини кўриш мумкин.

Рус маъмурияти томонидан вилоят истило қилинган ҳудудда ўрмонлар яратиш бошланиб, 1880 йилдан собиқ Зарафшон округи ҳудудида тажриба тариқасида ҳар 10 десятина майдонга дарахтлар экиш тажрибаси яхши самара бергач 1881 йилдан 1886 йилгача бўлган даврда округ ҳудудида 450 десятина майдонда ўрмонзор вужудга келтирилган. Унинг 300 десятинага яқини Қоратёпа дарасида бўлган [5]. Вилоят статистик бошқармаси маълумотлари ва архив ҳужжатларидан кейинчалик вилоятдаги ўрмонлар эгаллаган майдонлар кенгайиб борганлигини кўриш мумкин. Мазкур маълумотларда Самарқанд вилоятдан ташқари унга қўшни бўлган вилоятлар ўрмон хўжалигига оид материаллар ҳам

ўрин олиб, улар орқали худудларни ўзаро таққослаш мумкин. Жумладан, 1913 йилда Самарқанд вилоятидаги ўрмонлар эгаллаган майдоннинг бошқа вилоятлар билан таққослама статистикаси десятинада қуйидагича бўлган [6].

Вилоятлар	Тоғли	Тўқайзор	Чўлли	Жами
Сирдарё	165681	134660	7000000	7300341
Фарғона	586637	40000	45000	671637
Самарқанд	289417	53100	1500000	1842517
Еттисув	297050	379210	826000	1502260
Жами	1338785	606970	9871000(9371000)	11116755 (11316755)

Юқоридаги жадвалга кўра, чўлли ўрмонлар бўйича Самарқанд вилояти Туркистон ўлкаси бўйича иккинчи, тўқайзор ўрмонлари бўйича учинчи, тоғли ўрмонлар бўйича учинчи ва ўрмонлар эгаллаган умумий майдон бўйича иккинчи ўринда турган. Вилоятдаги ўрмонлар эгаллаган майдоннинг катта қисми биринчи ўринда чўлли (даштли), кейин ўринларда тоғли ва тўқайзор қисмларга тўғри келган. Архив хужжатларида Самарқанд вилоятининг қўшни вилоятлар солиштирма ҳолати статистикасига оид маълумотлар бериб ўтилган. Хусусан, 1913 йилда Туркистон ўлкаси бўйича ўрмонлар эгаллаган умумий худуд фоиз ва квадрат верстада қуйидагича бўлган [7]:

Вилоят	Вилоятнинг умумий худуди кв. верстада	Тоғли	Тўқайзор.	Чўлли	Жами
Сирдарё	443442	0,4	0,3	15,1	15,8
Фарғона	141141	4,0	0,3	0,3	6,6
Самарқанд	81891	3,4	0,6	15,3	19,3
Еттисув	346556	0,8	1,1	2,3	4,2
Жами	1013030	1,3	0,6	8,7	10,6

Мазкур жадвалга кўра вилоят умумий худудининг 19,3 фоизини ўрмонзорлар ташкил этиб, шундан 15,3 фоизи чўлли, 3,4 фоизи тоғли ва охирида 0,6 фоизи тўқайзор ўрмонлари бўлган. Самарқанд вилоятидаги ўрмонлар эгаллаган майдон бошқа вилоятлар билан солиштирганда кўпроқни ташкил этиб биринчи ўринда бўлган. Лекин бу даврда вилоятнинг умумий худуди бошқа вилоятлар билан таққослаганда охириги ўринда турар эди.

Туркистон ўлкаси бўйича ўрмонлар эгаллаган майдоннинг ўртача фоизи Сирдарё вилоятида – 1,9 %, Фарғона вилоятида – 2,6%, Самарқанд вилоятида – 3,9 %, Еттисув вилоятида – 1,4 % ва ўлка бўйича – 2,2 % ни ташкил қилган пайтда, тоғ ва тўқайзор ўрмонлари 1,3 % ва чўл (дашт) ўрмонлари 0,9 % бўлган. Мазкур даврда Туркистон ўлкаси бошқа давлатлар солиштирганда ўрмонлар эгаллаган майдон фоизи бўйича охириги ўринда турган. Жумладан, Финландия – 54,4 %, Швеция – 48,6%, Канада – 38%, Россия Европаси – 34,5%, Германия – 25,87%, Ҳиндистон – 11,9%, Австралия – 4%, Буюк Британия – 4%, Португалия – 2,9% ва Туркистон – 2,2%.

Ўлка ва вилоят учун ўрмонлар иқлимий жиҳатдан табиатни сақлаш ва табиий ҳимоя воситаси сифатида катта аҳамият касб этган. Бундан ташқари сунъий суғоришга асосланган ва бутун хўжалиги сувга боғлиқ бўлган минтақанинг сув бойлигини сақлашда катта таъсир кўрсатган. Ўрмонлар юқоридаги аҳамиятларидан ташқари маҳаллий аҳолининг ёқилғи ва қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ягона маҳаллий манба сифатида иқтисодий роли катта бўлган.

Ўрмонларни тиклаш ишлари 1880 йилда Самарқанд, 1894 йилда Фарғона ва 1898 йилда Сирдарё вилоятида бошланган. Бу жараёнда ҳар бир вилоятда биттадан кичик ўрмон хўжалиги ташкил этилган ва бу ишларнинг ташаббускори генерал Корольков бўлган. Афсуски, бу ишлар кредит ажратилиши қисқартирилиши натижасида 1904 йилда деярли тўхтаб қолган.

Архив хужжатлари орқали подшо маъмурияти вилоятда ўрмонларга зарар етказувчиларга қарши чоралар қўллаганини кўриш мумкин. Жумладан, 1906 йилда Каттақўрғон уездида халқ суди томонидан жамоат ўрмонини ўзбошимчалик билан кесиш ва сотиш билан шуғулланганларга 71 рубль 50 танга жарима солинган [8].

Хуллас, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида подшо маъмурияти томонидан империя манфаатлари йўлида ўрмон хўжалиги борасида тадбирлар амалга оширилди ва вилоятда ўлкада ўрмонлар эгаллаган майдон бўйича етакчи ўринда эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йиғмажилд. 2-варак.
2. Обзор Самаркандской области за 1887 год. – Самарканд, 1888. – С. 8.
3. Обзор Самаркандской области за 1910 год. – Самарканд, 1912. – С. 2.
4. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йиғмажилд. 2-варак.
5. Обзор Самаркандской области за 1887 год. – Самарканд, 1888. – С. 8.
6. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йиғмажилд. 2-варак.
7. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йиғмажилд. 2-варак.
8. ЎзМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 3263-йиғмажилд. 253-орқа варак.